

МАМЛАКАТНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ, ХУСУСАН, ТАШҚИ
САВДО СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР



doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a65

Азимова Феруза Пайзиевна -

ТТЕСИ катта ўқитувчи

Мухаммадғиёсов Салоҳиддин Мехриддин ўғли -

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Юлдашев Самад Нормуминович -

ТТЕСИ и.ф.н., доцент

Аннотация. Ушбу мақола мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида республикамиизда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникиси, кенг турдаги майорий электроника маҳсулотлари, жаҳонга машҳур матолару, улардан тайёрланаётган кийим-кечакларнинг ташқи иқтисодий фаолияти, хусусан, ташқи савдо соҳасида амалга оширилаётган баъзи бир ишлар кўлами ёритилган.

Калим сўзлар: экспорт, импорт, тўқимачилик, мато, кийим-кечак, ташқи савдо, замонавий автомобиллар, тадбиркорлик, халқаро савдо, кўргазма, ярмарка.

**ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СТРАНЫ, В ЧАСТНОСТИ ПРОВОДИМЫЕ
РЕФОРМЫ В СФЕРЕ ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ**

Азимова Феруза Пайзиевна -

старший преподаватель ТИТЛП

Мухаммадғиёсов Салоҳиддин Мехриддин оғлы -

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Юлдашев Самад Нормуминович -

Ташкентский институт текстильной и
легкой промышленности, к.э.н., доцент

Аннотация. В данной статье рассматривается сфера внешнеэкономической деятельности современных автомобилей, телекоммуникационного оборудования, компьютеров, широкого спектра бытовой электроники, всемирно известных тканей и одежды, изготовленных из них, а также некоторые работы, проводимые в сфере внешнеэкономической деятельности с подсветкой.

Ключевые слова: экспорт, импорт, текстиль, ткань, одежда, ВЭД, современные автомобили, бизнес, международная торговля, выставка, ярмарка.

**FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY OF THE COUNTRY, ESPECIALLY
IN THE FIELD OF FOREIGN TRADE**

Azimova Feruza Payzievna -

Senior teacher TITLI

Muhammadgiyosov Salohiddin Mehriddin oglu -

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Yuldashev Samad Normuminovich -

Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Abstract. This article covers the foreign economic activity of modern automobiles, telecommunications equipment, computers, a wide range of consumer electronics, world-famous fabrics and clothing made in them, as well as some of the work carried out in foreign trade, as a result of economic reforms in the country.

Keywords: export, import, textile, fabric, clothing, foreign trade, modern automobiles, business, international trade, exhibition, fair.

Кириш. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида экспорт салоҳиятидан тизимли фойдаланиш йўналишларини ташкил этишда экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт логистика инфратузилмаси ва тадбиркорликни ри-

вожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш каби қатор вазифаларнинг амалий ижроси экспорт таркибида диверсификациялаш жараёнларининг ортишига таъсир кўрсатди [1].

Хусусан, қимматбаҳо металларнинг экспортдаги умумий ҳажми ўртacha 0,7 фоизга, машина ва асбоб-ускуналар улуши эса 1,2 фоизга

ортган, пахта толасининг улуши эса 4,3 фоизга пасайган. Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида республика мизда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникиси, кенг турдаги майший электроника маҳсулотлари, жаҳонга машхур матолару, улардан тайёрланаётган кийим-кечакларга дунё ҳавас қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида саноат корхоналарини ташкил этиш, хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларни экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш, маҳсулотларни экспортга йўналтириш, қўшимча иш ўринларини яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсиши, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалишига хизмат қилади. Дарҳақиқат, «Made in Uzbekistan» ёрлиғи туширилган маҳсулотларимиз дунё бозорларидан мустаҳкам жой олмоқда. Корхоналаримиз жаҳонга қарийб барча турдаги товарларни – озиқовқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материалларидан тортиб юқори технологияли замонавий техникаларгача таклиф этмоқда. Халқаро андозалар асосида ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотлар юксак сифати билан хорижлик истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Ушбу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш, мамлакатимиз корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этиш, уларнинг маҳсулотларни ташкил бозорларга йўналтириш, миллий маҳсулотлар экспорти салоҳиятини юксалтиришда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси алоҳида аҳамиятга эга.

Жамғарма томонидан юздан ортиқ хорижий ташкилот билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини экспорт қилишида муҳим аҳамият касб этади[14].

Давлатимиз Биринчи Президентининг 2016 йил 16 марта “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда[15]. Унга мувофиқ, жамғарма устав капитали 5,3 миллиард сўмдан 10 миллиард сўм ва 2 миллион долларга оширилди. Жамғармага хорижий давлатларда ўз ваколатхоналарини очиш ҳуқуқи берилди. Мазкур ташкилот хизматлари учун

тўланадиган комиссия тўловлари 3 фоиздан 1 фоизга туширилди. Буларнинг барчаси тадбиркорларга янада кенгроқ молиявий кўмак кўрсатишига хизмат қилмоқда.

Жамғарма кўмагида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро қўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этиб, ўз маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш, экспорт географиясини кенгайтириш, харидорлар топиш ва шартномалар тузишга муваффақ бўлмоқда.

Адабиётлар шарҳи. Ташки савдо – бир мамлакатнинг бошқа [мамлакат](#) ёки мамлакатлар билан олиб борадиган савдоси. У мамлакатдан товарлар чиқариш ([экспорт](#)) ва мамлакатга товарлар киритиш ([импорт](#))дан ташкил топади. Экспорт ва импорт йиғинди мамлакатнинг Ташки савдо айланмасини ташкил этади. Мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқнинг ривожланиши икки томонлама [фойда](#) олиш имконини беради. Ташки савдо мамлакатларо иқтисодий муносабатларнинг энг оддий ва энг кадимий шаклидир. Миср, [Юнонистон](#) ва [Рим](#) қулдорлик тузуми даврида ёк бошқа мамлакатлар билан икки томонлама савдо-сотиқ муносабатларини амалга оширган. Инсоният тарихида биринчи марта [Шарк](#) ва [Фарб](#) дунёсини бир-бири билан боғлаган Буюк [Ипак](#) йўли қитъалараро савдони йўлга қўйди. Бу йўл [Ўзбекистон](#) ҳудудида жойлашган шаҳарларда савдо-сотиқнинг кенг қулоч ёйишига олиб келган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев қуйидагича тўхталиб ўтган эди: “...барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади” [2].

Мамлакатнинг ташки савдо сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги амалга оширади. Ташки савдо “Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий фаолияти тўғрисида” (1991, 14 [июнь](#)), “Валютани тартибга солиш тўғрисида” (1993, 7 [май](#)), “[Давлат божхона](#) хизмати тўғрисида”ги (1997, 29 август) қонунлар, “Божхона кодекси” (1997, 27 декабрь) ва бошқа [қонун](#) ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

XIX аср охири ва XX аср бошларидағи класик иқтисодий мактабнинг намояндалари Э.Хекшер ва Б.Олиннинг “ишлаб чиқариш омиллари” назариясида ушбу устуворлик тўлиқ акс этади [3,4]. Ушбу назария мамлакатда меҳнат ва капиталнинг тўла бандлиги шароитида ўзининг амалий жиҳатларини ифода этади. Мазкур назариянинг халқаро савдо жараёнларини изоҳлашга хизмат қилишдаги ўрнини ҳисобга олиш

билин бирга, асосий камчилиги сифатида технологик тараққиёт таъсириининг ҳисобга олинмаганлиги ва ишлаб чиқариш омилларининг ўрнига бошқасини қўллаш имкониятининг мавжудлиги эътироф этилмаганлиги орқали изоҳлаш мумкин.

XXI асрда мамлакат экспорт рақобатбардошлигига оид илмий-назарий қарашлар хорижлик иқтисодчи олимлардан В.Л.Квант тадқиқотларида алоҳида ўрин эгаллади. Унинг фикрича, экспортни рағбатлантиришнинг маъмурий усулларидан қўра, очиқ бозор усуллари кенг миқёсидаги самарадорликка эга ҳисобланади [5].

Р.Хаусман, Ж.Хванг, Д.Родриклар тадқиқотларига қўра, экспортни рағбатлантириш механизми ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг фаолият самарадорлигини пасайтиради, бу ҳолатнинг устувор жиҳатлари жаҳон бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларда ўз аксини топади [6]. Е.Жонатхан, С.Кортум, Ф.Крамарзларнинг тадқиқот йўналишида экспорт сиёсатини рағбатлантиришнинг нотаъриф усуллари кенг ўрин эгаллади [7], Н.Ф.Гофман, Г.А.Маховикова томонидан олиб борилган тадқиқотлар экспорт фаолиятини рағбатлантиришнинг классик ва ҳозирги замон уйғунлигини таъминлашга асосланади [8].

Ўзбекистон экспорт салоҳиятини тизимли тартибда ўрганиш ва мазкур йўналишда стратегик вазифаларни амалга оширишга доир тадқиқот изланишлари А.В.Вахобов, Д.А.Таджибаева, Ш.Х.Хажибакиевлар томонидан амалга оширилган бўлиб, тадқиқотчилар экспорт фаолиятини рағбатлантиришда шартномавий муносабатларнинг ролини оширишга устуворлик бериш зарурлигини таъкидлайдилар [9].

Ш.Д.Эргашходжаева томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари экспорт фаолиятини рағбатлантириш жаҳон бозорининг таркиби ва ривожланиш ҳусусиятларига боғлиқлигини кўрсатади [10].

Н.М.Расулов эса корхона экспорт салоҳиятини оширишда инновацион жараёнларни стратегик бошқаришнинг ўрни муҳим ҳусусият касб этишини таъкидлайди [11].

И.С.Хотамов реал сектор корхоналари экспорт салоҳиятини юксалтириш стратегиясими амалга оширища молиявий, ташкилий ва тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини қайд этади [12].

Ташқи савдонинг ривожланиши асосида [халқаро меҳнат тақсимоти](#) ва [Д.Рикардо](#) асослаб берган қиёсий устунлик қоидаси ётади. Бу қоидага [қўра](#) алоҳида шароитларнинг мавжудлиги, ҳусусан, қулаге географик жойлашув, ноёб табиий [ресурслар](#) айрим мамлакатларга [товар](#) ва

хизматларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда муайян устунликлар беради.

Мамлакат ўзининг қиёсий устунлигидан фойдаланиб, айрим товар турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашади, маҳсулотларини бошқа мамлакатларга ҳам сотиш мақсадида катта миқдорда ва юқори сифатда ишлаб чиқаришга ҳаракат қиласди. Бундай товар ва хизматларни ўзларида ишлаб чиқармайдиган бошқа мамлакатлар ишлаб чиқарганда ҳам уларга кетадиган сарф-харажатларнинг нисбатан юқорилигини ҳисобга олиб, ташқаридан товар ва хизматларни киритиш ўйлени тутади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, статистик усуллардан фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ўзбекистон экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида хорижий харидорлар, йирик халқаро савдо мажмуалари вакилларининг мамлакатимизнинг барча худудларига ташрифи, тадбиркорларимиз билан учрашувлари ўтказилмоқда. 2020 йилнинг февраль ойида Фарғона вилоятида Латвия, Қозоғистон, Россия ва бошқа давлатларнинг ташкилотлари, йирик савдо мажмууалари вакиллари иштирокида давра сұхбатлари ўтказилди. Тадбир доирасида тадбиркорларимиз томонидан қиймати 150 миллион доллардан ортиқ бўлган экспорт шартномалари имзоланди. Май ойида Корея Республикасининг йирик савдо тармоғи – «Lotte Mart» компанияси вакиллари Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатимизнинг озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарида музокаралар ўтказди. Жанубий Кореяга қовун, гилос, анор ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришилди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш стратегияси диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётни яратишга, инновацион технологиялар ва бозорни бошқаришнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда миллий ресурслардан максимал даражада фойдаланишга йўналтирилган. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти, ҳусусан, ташқи савдо соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси аҳолининг турмуш даражасига бевосита ўз таъсирини ўтказади.

Ўзбекистон Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, тўқимачилик саноати маҳсулот экспортини йилига қарийб 300 миллион долларга ошириш имконини беради. Бундан ташқари тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари экспорт географ-

фиясини янада диверсификация қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, 2020 йилда деярли барча МДҲ давлатларига етказиб берилган бўлса, шундан 52,5 фоизи Россия бозорига тўғри келган[16]. Давлат статистика қўмитаси 2020 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этди.

Ташқи савдо айланмаси унга кўра 2020 йилнинг январь-декабрь ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси 36 299,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 5 451,7 млн. АҚШ долларига ёки 13,1 %га камайди.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича 20 таъирик ҳамкор давлатлар орасидан бешта давлатда фаол ташқи савдо баланси кузатилган, хусусан, Афғонистон (772,3 млн. АҚШ доллари), Қирғизистон (610,1 млн. АҚШ доллари), Тожикистон (307,2 млн. АҚШ доллари), ва Эрон (33,2 млн. АҚШ доллари) шулар жумласидандир. 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 32,6 %ни ташкил этиб, ташқи савдо айланмасидаги 2019 йилга нисбатан улуши 2,0 %га камайди.

Экспорт бўйича 2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида мамлакатнинг экспортёрлари

сони 6 109 тани ташкил этиб, улар томонидан 9 323,3 млн. АҚШ доллари (қимматбаҳо металлар экспортидан ташқари) қийматидаги (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 25,7 %га камайди) товар ва хизматлар экспорт қилиниши таъминланди. Ўзбекистон Республикаси экспорти деқабрь ойида 930,4 млн. АҚШ доллари қийматида қайд этилиб, ўтган йилнинг шу ойига нисбатан 673,5 млн. АҚШ долларига камайди.

Импорт бўйича 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида импорт ҳажми 21 171,5 млн. АҚШ долларини ва 2019 йилга нисбатан 87,2 %ни ташкил этди. Импорт таркибида энг катта улуш машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (37,6 %), саноат товарлари (16,9 %) ҳамда кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга кири-тилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар (13,7 %) ҳисобига тўғри келди.

2020 йилнинг январь-декабрь ойлари якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан 147 давлатдан товарлар ва хизматлар импорти амалга оширилди. Етти таъирик ҳамкор давлатлар (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Корея Республикаси, Қозогистон, Туркия, Германия ва Чехия Республикаси) жами импортнинг 71,9 % улушини ташкил қилди, бу 15 228,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди[17].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлар кесимида ташқи савдо айланмаси (2020 йил, январь-декабрь)[17, 18]

Ўзбекистон Республикаси	Млн. АҚШ дол.	Ўсиш суръати %да
Ўзбекистон Республикаси	36299,3	86,9
Қорақалпоғистон Республикаси	539,7	77,1
Худудлар:		
Андижон	2796,4	110,4
Бухоро	831,4	66,0
Жиззах	816,4	160,4
Қашқадарё	544,2	66,0
Навоий	1312,0	71,5
Наманган	871,4	88,3
Самарқанд	1492,1	85,3
Сурхондарё	421,7	75,0
Сирдарё	642,3	112,5
Тошкент	4598,0	96,9
Фарғона	1462,3	103,1
Хоразм	468,5	84,0
Тошкент ш.	12424,1	93,9

Ўзбекистон Республикасида товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришда Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (кейинги ўринларда ТИФ ТН) билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (кейинги ўринларда ХССТ) қўлланилади. Бу, ўз навбатида, таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гурухлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириш ТИФ ТН

ва ХССТ ўртасида ўтиш қалитлари ёрдамида амалга оширилади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2020 йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсақ, энг юқори салмоқни Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Андижон вилояти, энг кам кўрсаткичларни Сурхондарё вилояти, Хоразм вилояти ва Қашқадарё вилоятлари ташкил этди[13].



1-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасини таркиби[19]

2021 йилда Ўзбекистонда экспортнинг асосий қисмини саноат товарлари (умумий экспортнинг 26,1 %), олтин (24,7 %), хизматлар (15,3 %) ва озиқ-овқат товарлари (8,3 %) ташкил этди. Ўтган йил давомида Ўзбекистонга импортнинг асосий қисмини машиналар ва асбоб-ускуналар импорти (32,4 %, 2020 йилга қараганда 5,2 %га камрот), саноат товарлари

(18,5 %), кимёвий воситалар (14,3 %), озиқовқат товарлари (9,9 %) ва хизматлар (6,8 %) ташкил этди. Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари орасида Россия (умумий савдо айланмасининг 17,9 %), Хитой (17,7 %), Қозоғистон (9,3 %), Туркия (8,1 %) ва Жанубий Корея (4,5 %) давлатлари қолмоқда.

	Davlatlar	2019- y.	2020- y.	2021- y.
	Xitoy Xalq Respublikasi	6 923,8	5 741,2	6 731,6
	Eksport	2 328,7	1 756,7	2 324,7
	Import	4 595,2	3 984,5	4 406,9
	Rossiya Federatsiyasi	5 943,7	5 066,6	6 603,8
	Eksport	2 264,0	1 322,6	1 872,4
	Import	3 679,7	3 744,0	4 731,5
	Qozog'iston	3 030,2	2 625,4	3 538,0
	Eksport	1 253,4	818,6	1 057,2
	Import	1 776,8	1 806,8	2 480,8
	Turkiya	2 265,3	1 878,7	3 040,0
	Eksport	1 083,7	897,0	1 540,3
	Import	1 181,6	981,8	1 499,6
	Koreya Respublikasi	2 531,9	1 908,5	1 679,4
	Eksport	88,2	41,9	46,0
	Import	2 443,7	1 866,5	1 633,4
	Qırğız Respublikası	758,9	816,3	852,5
	Eksport	626,3	685,6	710,9
	Import	132,6	130,7	141,6
	Germaniya	902,1	710,2	675,4
	Eksport	47,6	63,1	60,8
	Import	854,5	647,1	614,6
	Turkmaniston	506,1	465,5	626,1
	Eksport	132,0	118,5	175,5
	Import	374,1	347,0	450,6
	Ukraina	348,5	390,1	622,5
	Eksport	109,9	110,1	202,6
	Import	238,6	280,1	419,9
	Afg'oniston	556,2	697,6	576,7
	Eksport	554,0	695,6	573,2
	Import	2,2	2,0	3,5

2-расм. Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар билан ташки савдо айланмаси динамикаси[20]

Ўзбекистоннинг Россия билан товар айропашлаш ҳажми йил давомида 32,8 %га ўсиб, 7,517 млрд. долларни, Хитой билан эса 7,44 млрд. долларга (+15,5 %) етди.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси пандемиягача бўлган даражадан ошиб, қарийб 38 млрд. долларни ташкил этди. Экспортнинг ярмидан кўпи олтин, рангли металлар ва тўқимачилик маҳсулотларига тўғри келади. Россия бир неча йилдан бери илк марта Хитойни Ўзбекистоннинг импорт бўйича ҳамкорларининг биринчи қаторидан сиқиб чиқарди. 2021 йилнинг январь-ноябрь ойларида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,95 млрд. долларга (+ 15 фоиз) ўсиб, 37,94 млрд. долларни ташкил этди.

Пандемия йилига нисбатан Ўзбекистон етакчи 20 та ҳамкор давлатнинг деярли барчасига ўз товар ва хизматларини етказиб беришни кўпайтириди. Бу қуйидаги 2-расмда ўз аксини топган.

Жумладан, Хитойга 2,32 млрд. доллар (+32,3 %), Россияга 1,87 млрд. доллар (+41,6), Туркияга 1,54 млрд. доллар (+ 71,7 %), Қозогистонга 1,05 млрд. доллар (+ 29,1 %), Украинага 202,6 млн. доллар (+84 , 1 %), Буюк Британияга 133,8 млн. долларгача (3,3 марта) ошди. Шу билан бирга, Афғонистонга экспорт 573,2 млн. долларга (-17,6 %), Германияга эса 60,8 млн. долларга (-3,6 фоиз) камайди. Ўзбекистонга

етказиб бериш Корея Республикасидан 1,63 млрд. долларга (-12,5 фоиз), Германиядан 614,6 млн. долларгача (-5 фоиз), Латвиядан 161 млн. долларга (- 45 фоиз), Чехиядан 158,6 млн. долларгача (-67,7 %) камайган.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш, рақобатдаги устунликни таъминлашда ички бозор таъсирини ошириш, ташқи бозорга йўналтирилган товар ва хизматлар таркибини такомиллаштириш ва ассортиментини янгилаш борасидаги қатор чора-тадбирлар таъсирида барқарор иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди ва қуидагилар таклиф этилди:

- мамлакатимизда айрим тармоқлар маҳсулотларини жаҳон бозори учун ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашув жараёнларини юқори даражага олиб чиқиш;

- ички иқтисодий салоҳиятни намоён этишда давлат томонидан тартибга солиш жараёнларининг устуворлигини таъминлаш;

- кредит ва молиявий тизимнинг замонавий механизmlарга эга эмаслиги, инфратузилма, илмий-техник салоҳият, меҳнат ресурслари каби омиллардан мақсадли фойдаланиш параметларининг тўлиқ шаклланмаганлиги экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш жараёнларига ўзининг таъсирини ошириш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
3. Хекшер Э. Влияние внешней торговли на распределение дохода = The Effect of Foreign Trade on the Distribution of Income (1919) // Вехи экономической мысли. / Под ред. А.П.Киреева. - М.: ТЕИС, 2006. - 154 с.
4. Олин Б. Межрегиональная и международная торговля. - М.: Дело, 2004. - 416 с. (англ. Interregional and International Trade, 1933)
5. Kvint V.L. Strategy for the global market. - New York, London: Routledge-Taylor & Francis, 2015. - 520 p.
6. Hausmann R., Hwang J., Rodrik D. What you export matters. // Journal of Economic Growth. 2007. V.12. P 1-25. DOI: 10.1007/s10887-006-9009-4
7. Jonathan E., Kortum S., Kramarz F. An Anatomy of International Trade: Evidence from French Firms. // Review of Economic Studies 2011. - 217 p.
8. Гофман Н.Ф., Маховикова Г.А. Основы внешне-экономической деятельности. Учебный пособие. - СПб.: Питер, 2001. - 365 с.
9. Vahabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakileyev Sh.X. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. Darslik. - T.: Baktria press, 2015. - 584 b.
10. Эргашоджаева Ш.Д. Халқаро рақобат. Ўқув қўлланма. - Т: ТДИУ, 2013. - 328 б.
11. Расулов Н.М., Муллабаев Б.Б. Инновацион жаҳарёнларни стратегик бошқарши - корхоналар рақобатдошлигини оширишининг муҳим омили. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 5-сон, сентябрь-октябрь, 2014 йил.
12. Хотамов И.С. Мамлакатимиз реал сектори корхоналари экспорт салоҳиятини юксалтириш стратегияси. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 2011 йил 2 ноябрь.
13. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўйитаси расмий ахборот сайти.
14. <http://uzbekistan-geneva.ch/o-zbekiston-eksport-salohiyati-yuksalmoqda.html>
15. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-куватлаш жамғармаси фаолиятини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 2016 йил 16 март.
16. Азимова Ф.П., Юлдашев С.Н. Vidyabharati International Interdisciplinary Research Journal 13(2) ИССН 2319-4979. 2021 йил 25 декабрь.
17. <https://www.spot.uz/oz/2021/01/21/tashqi-savdo/> – O'zbekistonda xizmat ko'rsatish sohalari qanday rivojlanganligi haqida.
18. <https://stat.uz/uz/mathbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/7405-o-zbekiston-respublikasining-tashqi-savdo-aylanmasi-2020-yil-yanvar-dekabr>
19. <https://review.uz/uz/post/infografika-ozbekistonning-2021-yil-yanvar-fevral-oyi-uchun-tashqi-savdosи>
20. <https://www.gazeta.uz/oz/2021/12/23/trade/>